



ДХХ ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ФАОЛИЯТИ

Холбўтаев Абдуғани Абдурахимович

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси
ю.ф.ф.д (PhD)

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10464693>

ARTICLE INFO

Received: 30th December 2023

Accepted: 05th January 2024

Online: 06th January 2024

KEY WORDS

Давлат чегараси, Давлат чегарасини қўриқлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Давлат чегараси дахлсизлиги, Давлат чегараси режими, чегара режими, Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режим.

ABSTRACT

Мақолада ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича фаолияти ёритиб берилган бўлиб, миллий қонунчилик ҳужжатларининг таҳлили натижаларига мувофиқ, Чегара қўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликни олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши юзасидан таклиф билдирилиб ўтилган.

Давлат бошқаруви соҳасида содир этиладиган ва кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик кўринишларидан бири – маъмурий ҳуқуқбузарликдир. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг мазмуни амалдаги қонунчиликда аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, қуйидаги умумий хусусиятларга эга.

Биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик — ижтимоий зарарли ҳисобланади, яъни унинг содир этилиши жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига моддий ва маънавий зарар етказади.

Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик — маъмурий ҳуқуққа хилоф ҳисобланади, яъни бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш қонунчилик ҳужжатларида тўғридан-тўғри тақиқланган.

Учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик қилмишдир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик – бир ёки бир неча инсонларнинг онгли ва иродали ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида ифодаланади.

Тўртинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик – жисмоний шахс томонидан содир этиладиган қилмишдир. МЖТКга биноан маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти сифатида фақатгина жисмоний шахслар намоён бўлиши мумкин.

Бешинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликда айбнинг мавжудлиги, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган онгли, иродали қилмиш ҳисобланади.



*Олтинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик жазога сазовор қилмишдир*¹.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг вазифалари ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонунчиликга мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир².

Умуман ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган умумижтимоий чоратадбирлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: иқтисодиётни бошқариш тизимини такомиллаштириш; янги иш ўринларини яратиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш ва бошқалар³.

Давлат чегараси билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бунда аввало мазкур ҳудудларда содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикасига алоҳида эътибор қаратиш, уларга қарши курашишнинг маъмурий-ҳуқуқий воситаларини кучайтириш талаб этилади.

Сабабият фалсафий нуқтаи-назардан ҳодисаларнинг табиий, ижтимоий, объектив ўзаро алоқасини, боғланишини билдирадиган категория ҳисобланади⁴. Сабаб оламнинг ҳаракати ва бирон-бир вақт доирасида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодисани англатади. Оқибат эса, ҳодисалар занжирида сабабнинг таъсиридан вужудга келадиган янги ҳодисалар, сабабнинг натижасидир⁵. Демак, оқибатнинг юзага келиши маълум маънода сабаб ва шарт-шароитларнинг қанчалик даражада етилганлигига боғлиқдир.

Ҳуқуқшунос олим А. Алланованинг фикрига кўра, Давлат чегараси дахлсизлигини таъминлашга қаратилган, ДХХ Чегара қўшинларининг хизмат фаолиятига доир қуйидаги профилактик чораларни кўришни тақозо этишини таъкидлайди:

- 1) давлат чегараси режими, чегара режими ва давлат чегарасини кесиб ўтиш пунктларида режимга риоя этилиши устидан назоратни такомиллаштириш;
- 2) давлат чегарасини ҳимоя қилишнинг замонавий техник воситаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва уларни Давлат чегарасининг энг мураккаб (жиҳозланмаган) қисмларига ўрнатиш;
- 3) назорат-ўтказиш пунктларининг ўтказиш қобилиятини ошириш⁶.

¹ *Одилқориев Х.Т., Қосимов Б.Э.*, Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик – Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2010. – Б. 198-201.

² Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда.

³ *Алланова А.А.*, Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолар: монография – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – Б. 112.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш. Н-тартибли. / Таҳрир хайъати: *Т.Мирзаев* ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 408.

⁵ Фалсафа: комусий луғат. / Масъул муҳаррир: *Қ.Назаров*. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 352.

⁶ *Алланова А.А.*, Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолар: монография – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – Б. 117.



Хуқуқбузарликлар профилактикаси – хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланадиган хуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир⁷. Профессор И. Исмаилов таъкидлаганидек, хуқуқбузарликлар профилактикасининг афзалликлари: *биринчидан*, салбий ҳодисаларнинг илдизи ва манбалари, сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилгани; *иккинчидан*, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарар етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсирни кўрсатиши; *учинчидан*, криминоген омилларга улар эндигина пайдо бўлаётган ва ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда, камроқ куч ва харажат сарф этган ҳолда таъсир қилиш, бартараф этиш ва кучсизлантириш имконига эгалиги; *тўртинчидан*, хуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида бошқа йўналишларга нисбатан инсонпарварлиги; *бешинчидан*, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, хуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни комплекс қўллаш имконига эгалиги; *олтинчидан*, ошкоралик, кенг жамоатчиликнинг иштироки, омманинг фикрига таяниш принципларига асосланган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади⁸.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг⁹ 10-моддасига асосан, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, уларга имкон яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш Давлат хавфсизлик хизматининг жинойатчиликка қарши курашишга доир фаолиятидаги устуворликлардир.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга оширишларининг хуқуқий асоси сифатида “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунини¹⁰ келтириш мумкин.

Хуқуқбузарликларнинг профилактикаси хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолият сифатида қаралади.¹¹

Аҳоли ўртасидаги хуқуқий тарғибот хуқуқбузарликлар профилактикасида асосий ўрин эгаллайди. Негаки, юртимизда хуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифадир¹². ДХХ Чегара қўшинларининг ушбу йўналишдаги фаолияти

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 20. – 221-м.

⁸ Зарипов З., Исмаилов И. Криминология: дарслик. – Т., 1996. – Б. 173.

⁹ “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ–471-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 9 апрель, 14-сон, 272-модда.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил 19 май, 20-сон, 221-модда.

¹¹ Зиёдуллаев М.З., Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фан доктори (DSc) бўйича дисс.. – Т.: ИИВ Академияси, 2019 й. Б. 43.

¹² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 53.



фуқароларнинг онги ва шуурида қонун ҳужжатларига риоя этиш, уларни ҳурмат қилиш ва самарали қўлланишини таъминловчи муайян ижобий тасаввурлар, қараш ва қадриятларни шакллантириш мақсадида доимий таъсир ўтказиб бориш жараёни бўлиб¹³, чегараолди ҳудудларидаги маҳаллалар, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида фуқароларнинг қонунларни билиши, уларга риоя этиши, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилиш бўйича тарғибот ва ташвиқот тадбирларини олиб боришдан иборат.

Фуқароларни Конституция ва қонунларга ҳурмат ва итоат руҳида тарбиялаш, аввало, давлат органлари, хусусан Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хизматчиларига боғлиқ¹⁴. Қолаверса, чегараолди ҳудудда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш муайян даражада ҳуқуқбузарликлар профилактикасига хизмат қилади. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбири сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва тарбиясини такомиллаш-тириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида”ги 466-I-сон қарори қабул қилинган бўлиб¹⁵, аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш асосий вазифаларидан бири бўлган ДХХ Чегара қўшинларининг хизмат фаолиятида ушбу Қарор алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий маданият қонунчилик, фуқаролар ҳуқуқий кафолатини таъминлаш баробарида давлат аҳамиятига молик сиёсат бўлиб¹⁶, жамиятда фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятининг даражаси ҳуқуқбузарлик ҳолатига асосий таъсир кўрсатувчи омиллардандир. Қолаверса, ДХХ Чегара қўшинларининг чегараолди ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги ишларининг натижалари улар хизмат фаолиятини баҳолашда асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари томонидан 2020-2023 йиллар давомида чегараолди аҳоли ўртасида жами **20 734 маротаба** ҳуқуқий тарғибот ва ҳисобот учрашувлари ўтказилган болиб, улардан 14 542 маротабаси чегараолди ҳудудларда жойлашган таълим муассасалари хиссасига тўғри келмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш доирасида ДХХ Чегара қўшинлари Давлат чегарасини қўриқлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўладиган ва имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли орган,

¹³ *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 154.

¹⁴ *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 146.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида”ги 1997 йил 29 августдаги 466-I-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9. – 227-м.

¹⁶ *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. – Т., 1998. – Б. 279.



муассаса, корхона, ташкилот ва фуқароларни ўзин ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритиш чораларини кўриши лозим.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг¹⁷ 23-моддасига асосан, ДХХнинг давлат органларига ва бошқа ташкилотларга ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга.

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” 2023 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–832-сон¹⁸ Қонуни қабул қилиниши орқали МЖТКнинг 196-моддасида ички ишлар органлари ва Миллий гвардия билан бир қаторда Давлат хавфсизлик хизматининг ҳам ҳуқуқбузарликни содир этиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик учун жавобгарлик белгиланди.

МЖТКнинг 313-моддасига асосан, ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 35-сонли Пленум қарорининг¹⁹ 29-бандида, МЖТК 313-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланганда суд уларни бартараф қилиш юзасидан ҳуқуқбузарнинг ўқув, иш ёки яшаш жойига тақдимнома киритиши бўйича тушунтириш бериб ўтилган.

Бироқ, бу борадаги амалиёт таҳлили ушбу соҳада муайян камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, жойларда ДХХ Чегара кўшинлари ваколати доирасида кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот ва жамоатчилик тузилмаларига тақдимномалар киритилмасдан қолиб кетмоқда.

Ҳуқуқбузарликларни олдини олишни самарали ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида, ДХХ тизимида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда

¹⁷ “Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ–471-сон Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил 9 апрель, 14-сон, 272-модда.

¹⁸ “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” 2023 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–832-сон “Халқ сўзи”, 2023 йил 26 апрель.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли Пленум қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил.



махсус ва тезкор-профилактик режалар ишлаб чиқиш ва қўллаш амалиёти жорий этилган. Чунончи, ДХХ Чегара қўшинлари ички ишлар органлари билан ҳамкорликда чегараолди ҳудудларида Давлат чегараси режими, чегара режими, паспорт тизими қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича – “Паспорт-виза”, Ўзбекистонда бўлиш қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича эса – “Спитамен” ва бошқа махсус, тезкор-профилактик чора-тадбирлар режалари асосида фаолият юритмоқдалар.

Ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича амалиётда қўлланилиб келинаётган бир қанча тадбирларнинг қўлланилиши, Давлат чегарасини қўриқлаш соҳасидаги самарали ҳимоя қилишга кўмаклашувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Амалиётда айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ёки мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 сентябрдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 747-сон²⁰, 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сон²¹, 2022 йил 7 апрелдаги “Давлат экологик назорати ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 165-сон²² қарорларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Келтирилган Ҳукумат қарорлари ишлаб чиқишдан мақсад назарда тутилган ҳуқуқбузарликларга муросасиз муносабатни шакллантириш, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши кураш самарадорлигини янада ошириш, жамиятда содир этилаётган ушбу қилмишларнинг сонини кескин равишда туширишга қаратилган дея баҳолашимиз мумкин.

Хусусан, биргина Ҳукуматнинг 2022 йил 7 апрелдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган “Жисмоний шахслар томонидан қайд этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби ҳақида низом”га мувофиқ,

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 20 сентябрдаги 747-сон қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил 24 сентябрь, 38-сон, 770-модда.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2020 йил 31 декабрь.

²² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Давлат экологик назорати ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 апрелдаги 165-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2022 йил 8 апрель.



мазкур қарор қабул қилинганидан 2023 йилнинг 1 декабрь кунига қадар 403 нафар жисмоний шахсларнинг видеокузатув ва тасвирга олиш техника воситалари ҳамда мобил қурилмалари орқали қайд этилган экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш, шунингдек, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар акс эттирилган фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувлар қабул қилиниб, ушбу низомга мувофиқ уларни рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилган²³.

Бундан кўриш мумкинки, 403 та экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш, шунингдек, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилганлиги билан бир қаторда, аҳоли орасида мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлар содир этган тақдирда, нафақат ушбу соҳани назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар балки, жисмоний шахслар томонидан ҳам назорат қилиниши орқали жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи тайинланиши бўйича тушунчаларнинг пайдо бўлишига шароит яратган.

Юқоридаги ҳолатлар ва қонунчилик ҳужжатларининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, Давлат чегараси дахлсизлигини таъминлаш, Давлат чегараси режими, чегара режими ва Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари режимига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш ва бу турдаги ҳуқуқбузарликларга қарши самарали курашишни ташкил этиш мақсадида, “Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки мазкур турдаги ҳуқуқбузарликка қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ҳукумат қарори ишлаб чиқилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил 19 май, 20-сон, 221-модда.
3. “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ-471-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 9 апрель, 14-сон, 272-модда.
4. “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” 2023 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-832-сон “Халқ сўзи”, 2023 йил 26 апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида”ги 1997 йил

²³ Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Экология назорати инспекцияси томонидан тақдим этилган маълумот.



29 августдаги 466-I-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9. – 227-м.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”

2018 йил 20 сентябрдаги 747-сон қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил 24 сентябрь, 38-сон, 770-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2020 йил 31 декабрь.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Давлат экологик назорати ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 апрелдаги 165-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2022 йил 8 апрель.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли Пленум қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил.

10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Т., 1998.

11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002.

12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010.

13. Зарипов З., Исмаилов И. Криминология: дарслик. – Т., 1996.

14. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги: Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2005.

15. Одилқориев Х.Т., Қосимов Б.Э., Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик – Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2010.

16. Зиёдуллаев М.З., Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фан доктори (DSc) бўйича дисс.. – Т.: ИИВ Академияси, 2019 й.

17. Алланова А.А., Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолар: монография – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2020.

18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш. Н-тартибли. / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.

19. Фалсафа: қомусий луғат. / Масъул муҳаррир: Қ.Назаров. – Тошкент: Шарқ, 2004.